

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**“ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИ”**  
**ФАНИДАН**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**Жиззах - 2010**

**Обилқосимов М., Ҳолиқулова Х. “Ўзбек давлатчилиқ тарихи” фанидан маърузалар матни.- Жиззах, 2010. – 19 бет.**

Курснинг асосий вазифаси ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши ва унинг тарихий босқичлари ҳақида билим бериш ва ўзига хос тараққиёт йўлларини ўрганиш, халқимизнинг қадимий қадрияти, ўзбек давлатчилигига оид манбалар билан таништиришдан иборатдир.

Шунингдек давлатчилиқ тушунчаси билан таништириш, давлат – бу ҳокимиятнинг фуқаролар билан алоқалари муносабатлари мажмуасини очиш асосий мақсадимиздир. Ўзбек халқининг қонунчилиқ анъаналарини қадимийлигини таъкидлаш, давлатнинг муҳим вазифаларини атрофлича ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Такризчилар:**

**Жиззах Политехника институти, 2010**

## Мундарижа

- 1 – МАВЗУ: «Марказий Осиё худудида қадимги давлатчиликнинг пайдо бўлиши»
- 2 – МАВЗУ: «Қатга Хоразм ва Бақтрия» давлатлари.
- 3 -МАВЗУ: Хоразм, Қанг, Юнон – Бақтрия давлатлари.
- 4– МАВЗУ: Қадимги Фарғона ва Кушон давлатлари.
5. IX – XII асрларда Марказий Осиёдаги марказлашган мустақил феодак давлатлар.
6. «Темур ва темурийлар давлати (XIV – XV асрлар)»
- 7 – МАВЗУ: Ўзбек хонликларининг ташкил топиши.
- 8– МАВЗУ: «Шўролар даврида 1924-25 йилларда ўтказилган “Миллий давлат чегаралари” сиёсати, унинг моҳияти ва оқибатлари.
- 9 – МАВЗУ: Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши - давлатчилигимиз тарихида янги муҳим тарихий босқич (1991-1999).

## **«Ўзбек давлатчилиқ тарихи» фанининг мақсад ва вазифалари**

Ватан тарихининг долзарб масалаларидан бири давлатчилигимиз тарихидир. Шунинг учун Президентимиз ўзбек давлатчилиги тўғрисида, гапириб, «инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демақдир» деб қатъий айтганлар ва тарихчилар олдига ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлганлиги ҳақида савол қўйганлар. Ҳақиқатдан биз ўзбек давлатчилигимиз тарихи ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасмиз.

Курснинг асосий вазифалари ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши ва унинг тарихий босқичлари ҳақида билим бериш ва ўзига хос тараққиёт йўлларини ўрганиш, халқимизнинг қадимий қадрияти, ўзбек давлатчилигига оид манбалар билан таништиришдан иборатдир.

Шунингдек давлатчилик тушунчаси билан таништириш, давлат – бу ҳокимиятнинг фуқаролар билан алоқалари муносабатлари мажмуасини очиш асосий мақсадимиздир. Ўзбек халқининг қонунчилик анъаналарини қадимийлигини таъкидлаш, давлатнинг муҳим вазифаларини атрофлича ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизнинг октябрь тўнтаришидан кейинги давлатчилик тараққиётидаги субъектив омилларни очиб бериш, давлатчилик тарихида демократиянинг ўрни ва роли ва қадимийлигини тушунтириш асосий вазифамиздир.

Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда “Авесто”, “Темур тузуклари” ва Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Давлатчиликнинг асосий пойдевори борки, давлат бу пойдеворсиз ўз вазифасини адо этолмайди. Булар ҳокимият ва ижроия органлари, суд, полиция, молия ва солиқ тизими, армия, конституция ва бошқа қонунлардир.

Давлатимиз тарихини асосан беш босқичга бўлиб ўрганамиз, буни биз курсимиз давомида ўрганиб борамиз.

## **I – қисм.**

### **1 – МАВЗУ: «Марказий Осиё ҳудудида қадимги давлатчиликнинг пайдо бўлиши». 2-соат РЕЖА:**

1. Давлат ҳақида умумий тушунча.
2. Давлатнинг келиб чиқиши ва моҳияти.
3. Давлат типлари, белгилари, функциялари.

Ўзбек давлатчилиги тарихига тўхталишдан олдин, умуман давлатчилик тушунчаси масалаларида тўхталиб ўтиш лозимдир. Давлатчилик деганда давлатнинг пайдо бўлиши, яъни давлат бўлиб уюлиши, унинг тузуми ва тизимини тушунамиз. Давлат аслида, жамиятни ташкил этишнинг сиёсий шаклидир. Давлат – бу ҳокимиятнинг фуқаролар билан бўлган алоқалари ва муносабатлари мажмуасидир. Давлатнинг пайдо бўлиши, унинг тузуми ва бу давлатнинг бошқариш тизими мамлакат ва халқларнинг ижтимоий тараққиётида муҳим ўрин тўтади. Бу соҳада қонунчиликнинг роли буюклигини алоҳида кўрсатиш керак.

Давлатнинг муҳим вазифалари бор. Бу вазифалар давлатни ички ва ташқи сиёсат юргизиши орқали амалга оширилади. Ички сиёсат асосан мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ва маданий тараққиётини таъминлашга қаратилган бўлса, ташқи сиёсат давлатнинг мудофасини мустаҳкамлашга, чет эл давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлади.

Давлат тарихан типларга бўлинади. Бунда давлат ҳокимияти кимнинг қўлида эканлигига қаралади. Масалан, кулдорлар, феодаллар ва ҳ.к. Бошқарув шаклларига қараб ҳам бўлинади. Бунда ҳокимият қандай шаклда амалга оширилади. Иккита бошқарув шакли бор: 1-Монархия ва 2-Республика.

Давлатлар федератив ва конфедератив бўлади. Федератив давлатда федерацияга уюшган давлатлар ягона федератив марказга ва федератив қонунларга бўйсундилар. Конфедератив давлатлар эса мустақил давлатлар уюшмаси бўлиб, бу давлатлар ягона ҳарбий, молиявий ёки валюта сиёсати олиб боришлари мумкин, аммо ўз ерларида мустақил ижтимоий-сиёсий ва маданий сиёсат олиб бориш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлатни идора қилишда ҳокимиятнинг бир – бирига боғлиқ уч шохобчаси бор: қонун чиқарувчи бизда – Олий Мажлис, ижро этувчи – бизда Президент, Вазирлар Маҳкамаси раиси ва Суд.

Мовароуннаҳрда бўлган араб сайёҳи Истахрийнинг Шош аҳолиси ҳақида айтганларини келтирайлик. «Шош аҳолиси сўғдлар ва туркийлардан иборат. Сўғдлар уйларида сўғдийда сўзлашадилар, турклар билан эса улар фақат туркча сўзлашадилар, чунки турклар ўз тилларидан бошқа тилда сўзлашмайдилар».

X асрда сўғдлар ўз этник хусусиятларини йўқотиб, турклашиб ва эронлашиб борган, иккинчидан Шош турклари, яъни Тошкент ўзбекларининг ота-боболари тил жиҳатдан эгаменликка молик бўлганлар. Ана шу табиий жараён асосида сўғдийлар туркларга сингиб кетадилар. Шуниси ачинарлики, сўғдлар катта ҳудудга эга бўлиб туриб, ўз пойтахт ва давлатларини тузмайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Аму ва Сирдарё оралиғи ва уларга туташ ерлар қадим замонлардан ўзбеклар давлатчилигининг таянчи бўлган.

Фақат турли даврларда бу давлатнинг у ёки бу қисмида нисбатан кучли давлат юзага келиб, қолган қисмини бирлаштиришга уринган. Лекин баъзи майда давлатларга парчаланиш ва тарқоқлик ҳоллари, ҳам бўлган. Бундай вазиятдан фойдаланган ташқи душманлар истилога ҳаракат қилганлар.

Бу тарих сабоқларини унутмаслик керак. Шу ўринда ҳозирги кунда Президентимиз даъват билан айтганидек, ёшларимизни доим огоҳ бўлишга чақирамиз, мустақиллигимизни сақлаш ва мустаҳкамлашда улар буюк куч эканлигига аминмиз.

### **ТАЯНЧ СЎЗЛАР:**

1. Монархия – давлатни якка бошқарув шакли.
2. Конфедератив давлат – мустақил давлатлар уюшмаси бўлиб, бу давлатлар ягона ҳарбий, молиявий ва валюта сиёсати олиб бориши мумкин.
3. Окс – қадимги манбаларда Амударёнинг номланиши.
4. Яксарт – Сирдарёнинг номланиши.
5. Политимет – Зарафшон дарёси.
6. «Авесто» – Зарастиризм динининг муқаддас диний, фалсафий китоби.

7. Сўғдиёна – Зарафшон, Қашқадарё воҳалари.
8. Оқчахон ҳаробаси – мил.авв V асрга тааллуқли шаҳар ҳаробаси бўлиб, Хоразмда илк давлатнинг шаклланишида муҳим рол ўйнаган.
9. Қанг – Сирдарё вилояти ва Жанубий Қозоғистон ҳудудида мил.авв IV асрнинг охири ва II аср бошида ташкил топган қадимги давлат.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.- Т.: Шарқ, 1998.
3. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи.- Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи.- Т.: Ўқитувчи, 1994.
5. Ўзбекистон тарихи// А.Саъдуллаев таҳрири остида. –Т.: Университет, 1977.
6. Темур тузуклари.- Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.

### **2 – МАВЗУ: Катта Хоразм ва Бақтрия давлатлари**

#### **РЕЖА:**

1. Марказий Осиёда дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши ҳақида баҳс – мунозара.
2. Катта Хоразм давлати.
3. Қадимги Бақтрия подшолиги.

Ота – боболаримиз қадим замонлардан буён яшаб келган Марказий Осиё ҳудудида мил.ав I-минг йилликлар бошларидаёқ давлат бирлашмалари ташкил топганлиги ушбу мавзуда ёритилади. Шу боисдан мавзуда Марказий Осиё ҳудудида ўтроқ ҳаёт ва кўчманчилик, этногенез масалалари, Қадимги Бақтрия, Катта Хоразм, Марғиёна давлатлари каби ҳарбий демократик конфедерациянинг пайдо бўлиши, илк шаҳарларнинг вужудга келиши (Эркагла, Қизилтепа, Қўзалиқир, Нуросиёб, Ёрқўрғон, Давратепа), уларда дастлабки катта каналларнинг ишга туширилиши, деҳқончилик, кўчманчилик, хунармандчилик ва диний тасавурлар ҳақида маълумот берилади.

Ўзбекистон халқлари ўз бошидан кишилик тараққиётининг қулдорлик ижтимоий – иқтисодий формасини кечирдимидеган савол туғилади. Янгидан ёзилаётган ҳақиқий тарихимизда бу масала ўз ечимини топмоғи керак. Чунки шўролар давридаги дарслик ва қўлланмаларда бу муаммолар бир – ёқлама ҳал этилган эди. Гап бу масалага қандай ёндашиш ҳақида кетяпти. К.Маркс йирик жамиятшунос олим сифатида Шарқ қулдорлигига “Осиёча ишлаб чиқариш усули” деб таъриф берган эди. Бу усул асосида озод деҳқон жамоалари меҳнат асосида қурилган патриархал кулчилик ётади. К.Маркс бу атамани Юнонистон ва Рим классик кулчилигидан, жамият ижтимоий – иқтисодий тараққиётининг асоси, ҳаракатлантирувчи кучни қуллар ташкил қилган қулдорликдан фарқ қилиш учун қўллаган эди. Дарҳақиқат Марказий Осиёда олиб борилган илмий изланишлар, қатор археологик ёдгорликларда ўтказилган ишлар кўлами ана шу К.Маркс эътирофи этган патриархал кулчиликни кўрсатади. Шу муносабат билан Марказий Осиёда дастлабки давлатнинг пайдо бўлиши муаммосини ҳал этиш катта аҳамиятга эга.

Марказий Осиёда қадимги давр ҳақида гап кетганда унинг тарихи мил.ав VIII аср – мил. VI аср билан боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Бу даврни икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқичда (мил.ав VIII – IV асрларда) Марказий Осиёда эркин деҳқон хўжаликлари заминида иккита дастлабки давлат конфедерациялари таркиб топди. Булар Катта Хоразм ва қадимги Бақтрия подшолиги эди.

Умуман олганда, ўзбек давлатчилигининг ўзагини Хоразмдан қидирмоқ керак. Чунки ўзбек давлатчилиги Хоразм ҳудудида ўзини анча изчил ва деярли узлуксиз намоён қилган. Агар Хоразм тарихига қарасак, мил.ав VI асрдаёқ Юнон тарихчиси Милотлик Хекатий Хоразм давлати ва унинг шу номли пойтахтини эслаганини кўраемиз. Ўша пайдан то совет давригача Хоразм ўз давлат тузуми ва мустақиллигини сақлаб қолди. Хоразмда шунинг учун ўзбеклар ҳисси ҳам кучли. Оқчахон ҳаробаси мил.ав V асрга тааллуқли шаҳар ҳаробаси бўлиб, шаҳар ички ва ташқи қисмлардан иборат бўлган. Шаҳар деворлари мустаҳкам бўлган. Улар тўла сақланган. Шубҳасиз бундай қудратли деворларга эга шаҳарни фақат қудратли давлатлар барпо этиши мумкин эди.

Инсоният тарихидан маълумки, илк давлатларда иншоотлар содда бўлиб, маҳобат ва ҳашамат уларда бўлмайди. Оқчахон шахрида эса буюклик ҳам, маҳобат ҳам ва ҳашамат ҳам мавжуд. Агар археологларнинг тахмини тўғри бўлмай, Оқчахон оддий бир шаҳар бўлса, у ҳолда Хоразм давлатининг тарихи янада қадимийлашади. Хуллас, Хоразмда ўзбек давлатчилигининг тарихи минг йилга яқинлиги аёндыр. Бу ҳақда, айниқса, ўзбек олими Яҳё Ғуломов ва рус академиги С.П. Толстовларнинг илмий хулосаларини биламиз, «Овесто» муқаддас китобига таяниб, давлатчилигимизнинг асоси, Президентимиз суҳбатида айтганидек, бундан 2700 – 3000 йил муқаддам Хоразмда бошланган деб жавоб бериш мумкин бўлади. Бактрия академик А.Асқаровнинг илмий фикрига кўра, Паркан (Давон, Фарғона) давлатлари ҳам 2600 – 2700 йил муқаддам юзага келган.

Албатта, ўзбек давлатчилигининг тарихини биргина Хоразм давлати билан чегаралаб бўлмайди. Давлатчилик анъаналари Ўзбекистоннинг бошқа жойларида ҳам қадимги тарихига эга экан. Хусусан, бу ерда Фарғона водийсини назарда тутмоқдамиз. Яқин вақтларгача давлат бирикмаси II асрга тўғри келади, деб ҳисобланарди. Лекин шу йили Қува таркибидаги шахристон ҳаробасида олиб борилган текширишларда илк давлатга хос шаҳар X – VIII асрларда шакллانганлигига далиллар топилди.

Ўзбек давлатчилиги ҳақида гапирар эканмиз, Хоразм ва сурхон воҳаларидаги ерларни ҳам ҳисобга олиш керак. Чунки бу ерлар қадимдан то сўнгги асрларгача бўлган Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг ўзагини ташкил этади. Ундан ташқари, бу ерлар то мўғулларгача ва ундан кейин ҳам сўғд деб аталган ва аҳоли сўғдийлар, ўзбекларнинг таркибий қисми бўлиб кирган.

Мовароуннаҳрда бўлган араб сайёҳи Истахрийнинг Шош аҳолиси ҳақида айтганларини келтирайлик. «Шош аҳолиси сўғдлар ва туркийлардан иборат. Сўғдлар уйларида сўғдийча сўзлашадилар, турклар билан эса улар фақат туркча сўзлашадилар, чунки турклар ўз тилларидан бошқа тилда сўзлашмайдилар».

X асрда сўғдлар ўз этник хусусиятларини йўқотиб, турклашиб ва эронлашиб борган, иккинчидан, Шош турклари, яъни Тошкент ўзбекларининг ота-боболари тил жиҳатдан эгаменликка молик бўлганлар. Ана шу табиий жараён асосида сўғдийлар туркларга сингиб кетадилар. Шуниси ачинарлики, Сўғдлар катта ҳудудга эга бўла туриб, ўз пойтахт ва давлатларини тузмайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Аму ва Сирдарё оралиғи ва уларга туташ ерлар қадим замонлардан ўзбеклар давлатчилигининг таянчи бўлган.

Фақат турли даврларда бу давлатнинг у ёки бу қисмида нисбатан кучли давлат юзага келиб, қолган қисмини бирлаштиришга уринган. Лекин баъзи майда давлатларга парчаланаш ва тарқоқлик ҳоллари ҳам бўлган. Бундай вазиятдан фойдаланган ташқи душманлар истилога ҳаракат қилганлар.

Бу тарих сабоқларини унутмаслик керак. Шу ўринда ҳозирги кунда Президентимиз даъват билан айтганидек, ёшларимизни доим огоҳ бўлишга чақирамиз, мустақиллигимизни сақлаш ва мустаҳкамлашда улар буюк куч эканлигига аминмиз.

## 2- қисм

### Қадимги мустақил давлатларнинг ташкил топиши

#### 3-МАВЗУ: Хоразм, Қанг, Юнон – Бактрия давлатлари.

##### РЕЖА:

1. Марказий Осиёда Эрон ахмонийларига қарши кураш.
2. Хоразм давлати.
3. Қанг – Қангар қадимий давлат.
4. Юнон – Бактрия давлати.

Давлатчилигимиз тарихининг иккинчи босқичида муҳим рол ўйнаган давлатлардан бири қадимги Хоразм давлатидир. Бу даврда (мил.ав IV асрлар) Марказий Осиёда Эрон ахмонийларининг босқинчилик юришлари туфайли катта Хоразм ва Қадимги Бактрия подшолиги парчаланиб, уларнинг вайроналарида биринчи қулдорлик давлатлари ташкил топди. Улар ичида энг қадимгиси Хоразм давлати бўлиб, бу ҳақда шу давлат тарихининг билимдони С.П. Толстов фикрига кўра, мил.ав VI асрда қадимги Хоразм ўз ҳукмдорига эга бўлган. Саксафар Хоразмнинг илк подшоларидан бўлган.

Мил.ав IV асрга келиб «Катта Хоразм» Амударёнинг қуйи ҳавзасидаги худуди Қадимги Хоразм давлатига уюшди. Бу даврда Фрасман деган подшо ўтганлиги ёзма манбаларда тилга олинади. У ғоят тадбиркор ҳукмдор бўлиб, Искандар Зулқарнайннинг Хоразмга юришининг олдини олганини биламиз.

Хоразм Марказий Осиё билан улуғ дашт орасида, яъни кўчманчи ва ўтроқ деҳқонлардан иборат икки дарё туташган жойда эди. Бу ерда сувнинг мўллиги, ернинг унумдорлиги ва иқлимнинг мўътадиллиги бу ерда қадим замонларданок кўплаб одамларни жалб қилган. Бу ерда шундай ўлка барпо этилдики, академик С.П. Толстов уни «Хоразм цивилизацияси» деб атади. Бу қадимги жаҳон маданиятининг минглаб ёдгорликлари орасида Тупроқ қалъа алоҳида ажралиб туради. Бу шаҳар Амударё қуйи оқимида эрамизнинг III –IV асрларида барпо этилган. Бу ердаги ёзувлар, турли ҳайкаллар улуғвор кўринишга эга бўлиб, ўзининг улкан кўлами билан кишини ҳайратга солган. Бу нарса катта территорияни эгаллаб, мазкур воҳадан ташқарида ҳам таъсир ўтказган давлат сиёсий ҳокимияти ўсганлигидан дарак бериб турган, бу ерда қабристон атрофидан элчилар ва подшолар, катта ва кичик ҳукмдорлар қабул қилинадиган ҳашамдор зал бўлган.

Хоразмда III асрда Қиёт канали қурилган. Аҳолининг бутун турмуши, фаровонлиги ирригация тараққиёти билан боғлиқ бўлган. Бу катта кучни талаб қилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Хоразмда таркиб топган давлат бирлашмаларининг асосий функцияси ирригация манфаатларига риоя қилиш ва ирригация иншоотлари бутунлигини назорат қилишдан иборат эди.

Жамоа асосий роль ўйнаган қадимги Хоразмнинг таркиб топган хўжалик механизми негизини суғориш ишлари – жамоа давлат ташкил этарди.

Эрамизнинг I асрида Хоразмда майда мис тангалар зарб этиш бошландики, бу нарса товар – пул муносабатларини ривожланганидан далолат беради. Жангчиларнинг пайдо бўлиши Шимолий тармоғи Хоразмдан ўтадиган Буюк Ипак йўлидаги савдо алоқаларнинг жонланиши билан боғлиқ эди.

Ҳукмрон дин зороастризм эди.

Сирдарё ўрта оқими ҳавзасида, ҳозирги Тошкент, қисман Сирдарё вилояти ва Жанубий Қозоғистон худудида, академик Я.Ғуломовнинг таъкидлашича, мил.ав III аср охири II аср бошларида ташкил топган Қанг давлати давлатчилигимиз тарихида алоҳида ўринга эга. Бизнингча, Македонияликларга қарши уюшган маҳаллий ва кўчманчи қабилалар давлати бўлган. Қанг давлати, асосан кўчманчилар давлати бўлиб, маҳаллий халқ уларга мудофаа заруриятидан кўшилган. Шунга қарамай Қанг давлатининг давлатчилигимизда ўрни бор.

Қадимги манбаларда Қанг давлатининг қандай идора қилинганлиги, давлат тузилиши қандай бўлганлиги тўғрисида маълумотлар етиб келмаган. Аммо фақат бир марта тўнғич Хан сулоласи тарихида ( мил.ав II – I асрларга оид) Қангуй подшоси ўз оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб иш тутиши ҳақида эслатиб ўтилади. Осиёча қулдорлик жамияти шароитида ташкил топган Қанг давлатида олий кенгаш муҳим роль ўйнаган, давлат кенгашида қабила бошлиқлари, ҳарбий саркардалар фаол қатнашиб, муҳим давлат аҳамиятига молик масалалар ҳал этилган. Бу ҳолат ҳарбий демократия принциплари асосида ташкил топган давлат тазими эди.

Қанг давлатига қарашли ерлар бир неча вилоятларга бўлинган. Уларни бошқарган бошлиқлар реабғу ёки ёбғулар деб аталган. Қанг давлатига тобе вилоятларни бошқариш иши маҳаллий ҳокимлар қўлида, бўлиб, улар марказий ҳокимиятга бож тўлаб турганлар.

Қанг давлати 7 аср яшаб, V аср ўрталарида емирилди. Марказий Осиё халқлари тарихида, умуман, ўзбек халқи тарихида бу ярим кўчманчи давлатнинг аҳамияти катта, бу заминда яшовчи қадимги Эрон тилининг Шимолий шохобчасида сўзлашувчи тубжой халқлар Жанубий Сибирь, Олтой, Шарқий Туркистон, Еттисув вилоятларида яшовчи туркий тилда сўзлашувчи қабилалар билан яқинлашди.

Мил.ав III асрнинг ўрталарида салавкийлар салтанатининг Ўрта Осиёдаги мавқеи бутунлай тушиб кетди. Салавкийларнинг Шарқий сатрапликлари Марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўядилар, ҳар бири мустақил сиёсат юргизишга интилади. Айниқса, бу вазият Парфия ва Бактрия сатрапликларида кўзга яққол ташланар эди. Бу вақтда Бактрия сатрапи Диодод эди. Бактриянинг Салавкийлардан ажралиб чиқиши, Страбоннинг фикрига қараганда, бу бактрияликларнинг марказий ҳокимиятга нисбатан исёни эди. Бактриянинг ажралиб чиқишига Диододдан ташқари, Евтидем ҳам аралашган. Евтидем ўша вақтларда Сўғдиёна ҳокими бўлиб, у Диододга тобе эди.

Ўз мустақиллигига эришган Бактрия Диодод I даврида қудратли давлатга айланди. Мил.ав 212 йилда Евтидем Юнон – Бактрия давлатининг подшоси эди. Унинг давлати таркибига Бактрия, Сўғд, Аррей ва Марғиёна кирар эди.

Ўғли Диметрий даврида (мил.ав 122 – 167 й) Бактриянинг ҳудуди кенгайиб, юксалди. Унинг номи билан кўплаб тангалар зарб этилди. Давлатни бошқариш борасида ислохотлар ўтказилди. Бунга давлатни майда ҳокимиятларга бўлиб бошқариш жорий этилади. Диметрий маҳаллий зодагон вакилларни давлатни бошқариш ишига тортди.

Нихоят, мил.ав 141 – 128 йиллар орасида Юнон – Бактрияга шимолдан келган кўчманчи Юэ – чжилар барҳам берадилар.

Ватанимиз тарихида муҳим роль ўйнаган Шарқнинг бу давлати 120 йилдан ортиқ вақт яшади. Тарихчилар бу даврдан олдин Бактрияга қарам бўлган, кейин мил.ав II асрда мустақил бўлган Сўғдиёна ҳақида ҳам кўп гапирадилар. «Овесто» маълумотлари, Тупроқ қалъа ёдгорликларига асосланиб ҳукм чиқарамиз.

#### **4– МАВЗУ: Қадимги Фарғона ва Кушон давлатлари РЕЖА:**

1. Қадимги Фарғона давлатининг ташкил топиши.
2. Кушон давлати.

Қадимги манбаларда бу даврда Фарғона (Довон, Паркан) давлати бўлганлиги ҳақида ҳам ёзилади. Фарғона водийсининг қадимги тарихи ҳақида гап кетганда, одатда, унинг мил.ав VII – VI асрлардан то мил V асрга қадар бўлган тарихи кўз ўнгимизда гавдаланади. Чунки ундан аввалги давр қадимги Фарғона тарихида ибтидоий жамоа тузуми эди. V асрдан бошлаб эса унинг феодал даври тарихи бошланади. Бу давр тарихида ижтимоий – сиёсий ҳаётдан эркин жамоа хўжалиги жамият ривожига асосай катламни ташкил этарди.

Фарғона ахмонийларга ҳам, Македонияликларга ҳам тобе бўлмаган. Хитой манбаларида ёзилишича, мил.ав II – I асрда Довон аҳолиси кўп деҳқончилик ва хунармандчилик хўжаликлари юксак ривожланган. Шаҳарларда бой ва кучли кўшинга эга мамлакат бўлган.

Давлатчилигимиз тарихида Фарғона давлат тузуми муҳим, ҳатто ибратли аҳамият касб этади.

Мил.ав II асрда, яъни Хитой элчиси Чжан-Цянь бу бу юртга келган даврларда қадимги Фарғонада кучли сиёсий давлат тузуми шакилланган эди. Подшолик тепасида маҳаллий аҳолининг аслзодаларидан чиққан ҳукмдор турарди. Уларнинг баъзиларининг номлари хитойча Мугуа, Чанфии, Яньлю деб берилган. Ҳукмдорнинг ёнида энг яқин қариндошларидан иккита ёрдамчи бўлган. Улар ҳам оксоқоллар кенгашига суянган. Оксоқоллар кенгаши ҳукмдор билан биргаликда давлат ишларини ҳал этган. Кенгаш ҳам назорат ишларини олиб борган. Олий кенгаш олдида ҳукмдорнинг ҳуқуқи чекланган эди.

Довон давлатининг сиёсий тузуми шаҳарларнинг ёки воҳа давлатларнинг эркин иттифоқидан ташкил топган конфедерация эди.

Хитой айғоқчиси Чжан Цянинг Довон давлатининг қудрати ҳақида маълумотлари ҳам эътиборга моликдир. Довон 60 минг қўшинга эга эди. Пиёда аскарлари қуролланган, отлик қўшин ҳарбий маҳоратда тенги йўқ бўлган.

Шундай қилиб, Қадимги Фарғона давлатини милодий эранинг дастлабки йилларида маҳаллий аслзодалар сулоласи бошқарган. Хитой манбаларида қадимги Фарғонани 419 йилгача бир сулола вакиллари узлуксиз бошқариб келган. Ўрта Осиё ҳудудида эфталитлар давлати қарор топган. Давлатчилигимиз тарихини ўрганишда хитой манбалари, археологик тадқиқотларнинг илмий хулосаларига таянамиз. Давлатчилигимиз тарихида Кушон подшолиги ҳам диққатга сазовордир. Кушонлар кўчманчи қабилалар билан қўшилиб кетган массагетлардир. Улар Спитамен кўзғолонидан сўнг Шарқий Туркистон ва Мўғулистон чегараларигача бўлган ерларга кетиб қолган эдилар. Хитой тарихчилари уларни юэчжилар дейдилар.

Мил.ав II асрда хунлардан енгилиб, Фарғонагача кириб келадилар. Мил.ав 140 йилда Бактриянинг тушкунликка учраганидан фойдаланиб Сўғд орқали Бактрияга кириб келадилар. Бу ерда 100 йилга 5 қабиллага бўлиниб яшадилар ва, ниҳоят, мил.ав I аср охирида Гуйшан (кушон) қабиласи бошлиғи бўлиб, ўзини ябғу (хукмдор) деб эълон қилади. Кушон давлати кейин бутун Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон ерларини қўшиб олиб, йирик империяга айланди. Кушонлар давлати мил. IV асргача яшади.

Бу даврда пул ва дин ислохотлари ўтказилди. Бу давлат буюклигига қарамай кўчманчилар давлати эди ва давлатчилигимиз тараққиётида муҳим роль ўйнади деб айтиш ҳолис тарихимизни яратиш тамойилларига зиддир.

Шундай қилиб, давлатчилигимиз пойдевори ҳақида гапирганда, биз асосан қадимги Хоразм, Бактрия ва Фарғонани кўрсатишимиз керак. Ўзбек давлатчилиги равнақида “Буюк Ипак йўли” катта роль ўйнаб, Марказий Осиё халқларини сиёсий, иқтисодий, маданий ва савдо соҳасидаги ҳаётида катта ўрин тутган, ўлка халқлари бу йўл орқали Ғарб ва Шарқ дунёси ҳамда уларнинг хўжалик ихтироларидан кенг баҳраманд бўлганлар.

Шаҳарларнинг ободлиги, деҳқончилик соҳалари билан чорвачилик зоналари ўртасидаги урбанизацион тараққиётга сабаб нима деган саволга бу жойларда аҳолининг мавжуд ҳаёти учун зарур бўлган хом ашёнинг мавжудлиги, иқлимнинг қулайлиги, қўшни халқлар билан савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланганлиги билан барча Ғарб ва Шарқ, шимол ва жанубни боғловчи транзит йўлнинг устида жойлашганлиги жавобдир.

#### **ТАЯНЧ СЎЗЛАР:**

1. Довон – Паркана – Фарғона водийси (мил.ав VII – эрамининг V асригача).
2. Чжан Цянь - мил.ав II аср Хитой элчиси.
3. Конфедерация - давлатларнинг эркин иттифоқдан ташкил топиши.
4. Кудзула Кадфиз – 4 та қабилани бирлаштириб, ҳукмронлик қилган Кушон подшоси.

### 3 – қисм

## 5. IX – XII асрларда Марказий Осиёдаги марказлашган мустақил феодал давлатлар РЕЖА:

1. Араб халифалигининг заифлашуви ва унинг оқибатлари.
2. Сомонийлар давлати.
3. Хоразмшоҳлар давлати.

Салтанатни идора қилиш, давлат тизимининг такомиллашишига IX – XII асрларда мавжуд бўлган марказлашган давлатлар давлатчилигимизнинг тикланиши ва ривожланишида муҳим, учинчи босқични ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, бу даврда бир қатор қўшни кўчманчилар давлатлари ватанимизга бостириб келдилар. Улар ватанимиз тарихида муҳим роль ўйнайдилар. Аммо давлатчилигимиз ривожда кўзга ташланадиган роль ўйнамайдилар. Булар: Қарлуқлар давлати (VIII – X), Ўғузлар давлати (IX – XI), Тоҳирийлар давлати (822 – 973 й), Саффорийлар давлати (873 – 75 й) Қорахонийлар давлати (X аср ўрталари), Ғазнавийлар давлати (X аср охири), Салжуқийлар давлати (XI аср) ва бошқалар.

Аммо бу даврда ташкил топган 2 та давлат Сомонийлар давлати ва Хоразмшоҳлар давлати давлатчилигимиз ривожда алоҳида ўрин эгаллаган тубжой элатлар давлатлари бўлиб, улар давлат тизимининг шаклланишида муҳим роль ўйнаганлар.

VIII аср охири IX аср бошида араб халифалигини ларзага келтирган оғир сиёсий вазият Аббосийларни Мовароуннаҳр ва Хуросонда олиб борилаётган сиёсатни ўзгартиришга мажбур этди. Эндиликда улар Шарқий вилоятларни бошқаришда давлат ишларига маҳаллий зодагонларни жалб этиш ва уларнинг қўли билан бу вилоятларни халифалик тасарруфида тутиб туришга ҳаракат қилдилар. Натижа Аббосийлар кўзлагандек бўлиб чиқмади. Маҳаллий зодагонлар Мовароуннаҳр ва Хуросонни аста – сёкин ўз тасарруфига олибгина қолмай, балки халифалик марказида ҳам ҳокимиятни бошқаришда тобора кўпроқ роль ўйнайдиган бўлиб қолдилар.

Улар, масалан, 873 йил Маъмуннинг халифа бўлишида катта роль ўйнадилар. Булар орқасида Сомон Хездот ҳам бор эди. Маъмун унинг ёрдамини унутмайди. Унинг набиралари Марказий Осиёнинг марказий вилоятларини ўз қўлларига ола бошладилар. Ўзаро курашларда енгиб чиққан Исмоил Сомоний (Аҳмаднинг набираси 874 – 907 йил) Мовароуннаҳрни бирлаштириб, Хуросонни ҳам қўшиб олиб ягона ҳукмрон бўлиб олди ва Сомонийлар давлатига асос солди (888 йилда). Бу салтанат X аср охиригача давом этди.

Исмоил Сомоний ўрта асрларнинг қобилятли, серғайрат ва ниҳоятда зукко йирик давлат арбоби эди. У Мовароуннаҳрни бирлаштиргач, мустаҳкам феодал давлат тузишга интилди. У ўз ватанида барқарор тинчликни таъминлаб, уни мустаҳкамлашда ҳукмронлик қобилятининг ҳамма нозик хусусиятларини ишга солади. Аввало, катта қўшин тўплаб, кўчманчилар даштига қўшин тортади. 893 йил Тароз шаҳрини фатҳ этиб, даштликларга қакшатғич зарба беради.

Мамалакат мустаҳкамлигининг барқарорлиги, авваламбор, марказлашган мустаҳкам ҳокимиятнинг қарор топишига боғлиқ эди. Буни яхшигина англаган сомонийлар ўз тасарруфидаги улкан мамлакатни бошқаришда даставвал ихчам давлат маъмуриятини ташкил этадилар. У подшо даргоҳи ва девонлар - марказий ҳокимиятдан иборат эди.

Даргоҳда амир ҳарами ва қароргоҳи жойлашган ҳамда у сарой аъёнлари, навкар ва хизматкорларнинг турар жойлари бўлган Наршахий бу ҳақда қимматли маълумот берган. Девонлар орасида вазир девони бош бошқарув маҳкамаси ҳисобланган ва давлатнинг маъмурий, сиёсий ва хўжалик тартиботи унинг бевосита назорати остида бўлган, барча девон бошлиқлари вазирга тобе бўлган. Мустафий девони хазина (молия) кирим – чиқимлар, амир ал-мулк девони-ҳарбий. Хусусан, амирнинг туркий гвардияси ва унинг таъминоти, соҳиби муаййид девони - матбуот ва ахборот, яъни почта, мушриф - сарой иш бошқарувчиси, мумалликайи хос девони давлат мулклари, мухтасиб девони - бозорлардаги тошу тарозулар ва ҳоказо ишлар билан шуғулланар эди.

Наср ибн Аҳмад (917 – 943) даврида Бухоронинг Регистон майдонида подшо қасри қаршида девонлар учун сарой қурилган бўлиб, давлат маҳкамаси мана шу маҳсус бинога жойлашган. Маҳкама хизматчилари сарой аҳли, руҳоний ва зодагон деҳқонлардан иборат бўлиб, улар муайян билимларга эга бўлиши шарт эди. Одатда, улар араб ва форс тилларини пухта эгаллаб олган. Улар «Қуръон»ни ва шариатнинг асосий қоидаларини яхши биладиган, турли фанлардан бирмунча хабардор бўлган саводли аслзодалардан танлаб олинган.

Шубхасиз, бу ўрта асрларнинг ўзига хос феодал – амалдорлик маданияти эди. Қадимги анъаналарга асосланган бу маданият сомонийлар даврида анча – мунча бойитилган.

Марказий маҳкама вилоятларда маҳаллий бошқармалар билан доимо алоқада бўлган. IX – X асрларда йирик мансабдорларнинг давлат олдидаги хизмати учун олдиндан мулклар инъом этилган. Бундай мулклар, «иктоъ» деб аталган. Айрим бутун – бутун вилоятлар иктоъ тарзида берилган, натижада халқ оммасининг норозилигига ва ўз навбатида марказий ҳокимиятни кучсизлантириб, маҳаллий ҳокимларнинг бошбошдоқлик ҳаракатларининг кучайишига олиб келар эди. Сомонийлар ташки ва ички душман ҳужумларидан мамлакатни муҳофаза қилиш масаласига катта эътибор берадилар. Ҳусайн Исмоил Сомоний яхши қуролланган ҳарбий кўшин ва махсус сарой гвардиясини тузади.

Шундай қилиб, IX – X асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда Сомонийлар давлати ташкил топди. Феодал замонининг бу йирик давлати Шарқнинг қадимий давлат бошқаруви анъаналарига суяниб, мунтазам гвардия ва кучли кўшинларга эга бўлган мурказлашган бошқарув маҳкамасини ташкил қилди. Ўрта асрларнинг бу феодал давлати ўзининг бошқарув тизими жиҳатидан шубхасиз, Марказий Осиёда феодал давлатчилиқнинг шаклланиши ва тараққиёт тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Давлатчилигимиз тарихида катта роль ўйнаган давлатлардан яна бири Хоразмшоҳлар давлатидир. Хоразм Сомонийлар даврида уларга тобе эди. X аср охири XI асрнинг бошларига келиб Хоразм ҳокими Маъмун I ва уни ўғли Али ибн Маъмун Сомонийлар давлати тугагандан кейин мустақил давлат тузишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Лекин Мовароуннаҳрдаги Қорахонийлар ва Хуросондаги Ғазнавийлар давлати олдида Хоразм давлати ҳали кучсиз бўлиб, кўп ҳолларда Маҳмуд Ғазнавий ва ўғли Маъсудга қарам эди. Ғазнавийлар давлатининг инқирози ва Хуросонда Салжуқийларнинг ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин Хоразм дастлабки йилларда мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилган бўлса-да, тез орада Салжуқийларга қарам бўлиб қолди.

Хоразмнинг мустақил давлат сифатида шаклланишида кўп хизмат қилган ҳукмдор Кутбиддин Муҳаммад Отсиз (1127 – 1156) эди. Айёр дипломат ва моҳир саркарда бўлган Отсиз мустақил ташки сиёсат олиб борди. У Хоразм ерларини анча кенгайтириб, Сирдарёнинг куйи оқимидаги ерларни, Манғишлоқни босиб олди. У Салжуқийларга тобе бўлиб қолса-да, Хоразмнинг мустақиллиги учун мустаҳкам асос ярата олди. Салжуқийлар ҳалокатидан кейин Хоразм мустақил сиёсат юргизди. Хоразм, айниқса, Отсизнинг набираси Такаш даврида жуда кенгайди. У 1187-1198 йилларда Нишопур, Рай ва Марв шаҳарларини, 1194 йилда эса султон Тугуга қақшатғич зарба бериб, Эронни Хоразмга қаратади. Бир йилдан сўнг Ироққа кириб боради. Шундай қилиб, ўрта асрларнинг истеъдодли давлат арбобларидан ҳисобланган Такаш Олд Осиё ва Ўрта Осиёда Хоразмшоҳлар давлатидек йирик ва қудратли феодал ҳокимлигини барпо этади. Унинг замонида Хоразм давлатининг ҳудудлари икки баробар кенгайиб кетади.

Мусулмон Шарқидаги бу улкан давлатнинг пойтахти Урганч шаҳри эди. Хоразмшоҳ саройида 27 ҳукмдор ва уларнинг вакиллари итоат камарини боғлаб олтин ноғора чалар ва бу давлатнинг тождори «Искандари Соний» деб аталган. Аммо бу дабдабали ҳокимият ўрта арлардаги барча феодал давлатларга хос хусусиятга эга эди.

Сиртдан жуда кучли кўринган Хоразмшоҳ давлати сиёсий жиҳатдан мустаҳкам эмас эди. Ҳатто айрим вилоят ҳокимлари номигагина Хоразмшоҳлар давлатига бўйсунарди. Бунинг устига саройда ўзаро низолар ҳукм суради. Айниқса, Туркон хотин, яъни «турклар онаси» номи билан шуҳрат топган Султон Муҳаммаднинг онаси қипчоқ оқсуяклари билан уруғ-қабила алоқалари орқали маҳкам боғланган эди. Мамлакат ана шундай танг аҳволда қолганда, жангари мўғул қабиаларининг Чингизхон бошлиқ босқинига дучор бўлади.

XII аср бошларидаёқ Чиғатой тасарруфига берилган Мовароуннаҳр, Еттисув, Шарқий Туркистонда Чиғатой улуси ташкил топади. Пойтахти Бешбалиқ шаҳри эди. Бу давлат XIX асрнинг 40-йилларигача яшади.

Мўғуллар катта ва маданий вилоятларни идора қилишда маҳаллий зодагонлардан фойдаландилар. Мовароуннаҳрни бевосита идора этиш ҳали Ўрта Осиё забт этилмасдан олдин. Чингизхон ҳузурида хизмат қилган хоразмлик савдогар судхўр Маҳмуд Ялавочга берилди.

Бу даврда Ватанимизда дунёга машҳур алломаларнинг бутун бир авлоди яшаб ижод қилдилар, меъморчилик, санъат ва мусиқа ривожланди, бу ҳақда бошқа мавзуларда сўз юритамиз.

Шундай қилиб, мўғулларнинг 150 йиллик ҳукмронлиги даврида мустақил давлатимизга барҳам берилди.

## **ТАЯНЧ СЎЗЛАР:**

1. Исмоил Сомоний (874 – 907й) - Сомонийлар давлатига асос солган ҳукмдор. У йирик давлат арбоби бўлиб, Мовароуннахрни бирлаштиргач, мустаҳкам феодаал давлат тузишга интилди.
2. Вазир девони – бош бошқарув маҳкамаси ҳисобланган ва давлатнинг маъмурий, сиёсий ва ҳўжалик тартиботи унинг бевосита назорати остида тутиб турилган.
3. Иқтоъ - йирик мансабдорларга ерларнинг мулк сифатида инъом этилиши.

#### 4 – қисм

### 6-мавзу. Темур ва Темурийлар давлати (XIV – XV асрлар)

#### РЕЖА:

1. Амир Темурнинг сиёсий майдонга кириб келиши.
2. Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда марказлашган буюк давлат бунёд этишдаги тарихий хизматлари.
3. Ўзбек давлатчилигимиз тарихини ўрганишда «Темур тузуклари»нинг аҳамияти.

Давлатчилигимиз тарихида, давлат тузуми ва бошқарув тизимининг такомиллашувида Темур давлати алоҳида аҳамият касб этади.

XIV асрнинг 60 – йилларида Мовароуннаҳрда сиёсий ва ижтимоий вазият ниҳоятда оғирлашиб кетди. Феодал тарқоқликнинг кучайиши, ички ва ташқи душман ҳужумларининг авж олишидан деҳқончилк, ҳунармандчилик ва савдо-сотик ишлари зарбага учраб, аҳоли оғир тангликни бошидан кечирмокда эди. Бундан савдогарлар, ҳунармандлар, деҳқонлар ғоятда норози эдилар. Аҳолининг бундай табақалари орасида мавжуд оғир аҳволдан кутулиш учун, мамлакатни бирлаштириш ва кучли бир давлат ташкил этиш ҳаракати кучайди. Шундай бир шароитда Амир Темур сиёсат майдонига кириб келди ва 1370 – йили давлат ҳокимиятини эгаллади. 35 йиллик ҳукмронлиги даврида буюк Империя тузиб, марказлашган давлатга асос солди.

Темурнинг ҳақ ва адолат йўлида бошлаган қутлуғ ишининг шиори «Рости-русти» бўлиб, унинг маъноси « Ҳақгўй бўлсанг нажот топасан » демакдир. У ўзининг барча фаолиятида шунга амал қилди. Темур Мовароуннаҳрни мўғуллардан озод қилишни ва марказлашган кучли давлат тузишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйганди. Шу мақсад йўлида истилочилар билан омонсиз жанг олиб борди. Ўзининг порлоқ истикболига катта умид ва ишонч билан қараган Темур руҳиятини нафақат ўзининг туғма баҳодирлиги ва жасорати билан, балки айни замонда Аллоҳга ва «Қуръон»га бўлган мангу эътиқоди билан мустаҳкамлади. Бу ҳол унинг ҳар қандай оғир шароитда ҳам тўғри тадбир белгилаши ва ундан чиқиб кетишини таъминлар эди.

Амир Темурнинг давлатни бошқариш борасида амалга оширган тадбирлари, давлат идораларининг тузилиши, сиёсий муассасаларининг бир-бирига муносабати, ҳукмдорларининг салтанат масалаларини ҳал этишдаги роли сингари масалалар ҳамиша тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиб келган.

Амир Темурнинг тузукларида илгари сурилган ғоялар, соҳибқироннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга бўлган қарашлари, у барпо этган қудратли империянинг сиёсий ва ахлоқий принциплари жаҳоннинг кўплаб сиёсий арбоблари учун дастурул амал вазифасини бажариб келди.

Амир Темурнинг сиёсий эътиқодига кўра, мамлакат тақдирини подшо, хазина ва аскар ҳал этади. Унинг давлат қуриш назарияси ғоят пухта ва асосли бўлиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг соҳаларини қамраб олган эди.

Давлатни бошқаришда вазирлар, амирлар ва валийлар фаолиятига катта аҳамият берган. Буни биз қуйида кўрамиз.

Суюрғол Темур давлати ташкил этилиши арафасида жорий этилиб, у «иктоъ» каби маълум туман ёки вилоятларни ҳукумат ёрлиғи билан Ғарбдаги «феод» ёки «лен» тарзида олий ҳукмдор авлодлари ва хизмат кўрсатган юқори табақа зодагонларига инъом тариқасида берилган баъзи суюрғол ерлари олий ҳукуматнинг фармони билан ҳатто авлоддан-авлодга мерос бўлиб ҳам ўтган. Буни айрим ерлар Темур ўғил ва набираларига шу тарзда берилганини биламиз. Мана шу тарзда мамлакатдан (Мовароуннаҳр) ташқари вилоят бўлиниб кетди. Ички низолар келиб чиқди. Шундай қилиб, Темур империяси вилоятлардаги феодал ҳукмронликларнинг бирлашмаси бўлиб, ҳақиқий марказлашиш учун у ҳали етарли даражада на иқтисодий ва на сиёсий пойдеворга эга эди.

Темур даврида давлатнинг марказий маъмурияти бошида девонбеги, унинг ёнида аркбеги (маросимларни бошқарувчи) ҳамда тўрт вазир туради. Темур давлат тузилиши соҳасида катта ўзгаришларни амалга оширмаган бўлса-да, ҳар ҳолда XIV асрнинг биринчи ярмида мўғул хони Кебек ҳукмронлик қилган даврда жорий этилган мамлакатнинг ҳарбий-маъмурий бўлинишини сақлаб қолди ва уни ривожлантирди. Аммо давлатнинг маъмурий (идора) таркибининг такомиллиги суюғолнинг кенг тарқалиши тўсқинлик қилди.

Амир Темур вафотидан кейин унинг йирик давлати бўлина бошлаган. Темурий шаҳзодаларнинг тахт учун кураши қудратли давлатнинг бўлиниб кетишига асосий сабаблардан бири бўлди.

Амир Темурнинг давлат тузуми ва идора қилиш тизими соҳибқирон қаламига мансуб бўлган «Темур тузуклари»да берилган.

Асарда айтилишича, давлат асосини ўн икки ижтимоий тоифа: 1. Сайидлар, уламолар, машойих, фозил кишилар. 2. Ишбилармон донишманд одамлар 3. Художўй, таркидунё қилган кишилар. 4. Нуёнлар, амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбий кишилар. 5. Сипоҳ ва раият. 6. Махсус ишончли кишилар. 7. Вазирлар, саркотиблар. 8. Ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар, муҳандислар. 9. Тафсир ва ҳадис олимлари. 10. Аҳли ҳунар ва санъатчилар. 11. Суфийлар. 12. Савдогарлар ва сайёҳлар ташкил этади. Унинг тақдирини эса уч нарса: подшо, хазина ва аскар ҳал қилади.

Амирлар, вазирлар ва уларнинг иш услублари борасида ҳам қимматли маълумотлар берилади. «Тузукларда» вазирлар, амирлар ва ҳокимларга бериладиган инъомлар ҳақида ҳам гапирилган.

Айниқса, расмий маросимлар ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Тарихий манбаларга асосланиб шундай хулоса қиламизки, Темур ўз сиёсатини ислом динининг мустаҳкам мафкураси асосида қурган. У ислом динини улуғлаган, шариат қонунларига тўла риоя қилган.

Айниқса, Темур ўз тузукларида давлат ишларини салтанат қонун – қоидаларга асосланган ҳолда бажарилишини таъкидлаб ўтган. Мамлакатда қонун устуворлигига катта аҳамият берган. У барпо этган давлат уч забардаст ва доно негиз – диёнат ва сиёсатга асосланган эди. Шу боисдан Темур давлати кўп асрлар давомида ўз қудрати билан дунёни ҳайратга солган.

Унинг тузуклари ўз даврида ҳам, ҳатто ҳозир ҳам муҳим тарихий, ижтимоий – сиёсий ва ҳуқуқий дастур, муҳим илмий манба бўлиб келмоқда. Шундай қилиб, Амир Темур олиб борган сиёсат, ҳеч шубҳасиз, жаҳон сиёсатига кучли таъсир кўрсатганини тарихдан биламиз. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, Соҳибқирон ўз замондошларига нисбатан бир неча аср илгарилаб кетган буюк сиёсий арбоб, улуғ саркарда, одил давлат арбоби, маърифат ва маданият ҳомийси бўлса ҳам, ўз даврининг фарзанди, жаҳоннинг кўп қисмини забт этган фотиҳ, чекланмаган сиёсий ҳокимиятга эга бўлган.

Шубҳасиз, Амир Темурнинг ижтимоий – сиёсий фаолияти Ўрта Осиё халқлари тарихида, унинг истиқболи, давлатчилиги, илм – фан ва маданиятининг бундан кейинги ривожланишида катта роль ўйнаган.

Темурийлар ичида Улуғбек ва Бобурнинг давлатчилик фаолиятини кўрсатиб ўтиш мумкин. Аммо бу икки буюк сиймо ўша давр шароитида давлатчилигимизни инқироздан сақлаб қололмадилар.

### ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

1. «Темур тузуклари» – Амир Темур қаламига мансуб асар бўлиб, унда давлат тузуми ва идора қилиш тизими берилган.
2. Суюрғол – маълум туман ёки вилоятларни ҳукумат ёрлиғи билан олий ҳукмдор авлодлари ва юқори табақа зодагонларига инъом тариқасида берилган.
3. Мунтазир ал – аморат - амирлик мартабасига лойиқ шахс, амир ўринбосарининг фахрли лақаби.
4. Али ибн Толиб – тўртинчи халифа (656 – 661). Амир Темур уларнинг қабрлари яхши сақланиши учун вақф ерини ажратган.

## V – қисм

### Хонликлар даврида давлатчилигимиз инқирозини бошланиши

#### 7 – МАВЗУ: Ўзбек хонликларининг ташкил топиши

##### РЕЖА:

1. Марказий Осиё ҳудудида ўзаро қабилавий урушлар.
2. Хива хонлигининг ташкил топиши.
3. Бухоро хонлигининг ташкил топиши.
4. Қўқон хонлигининг ташкил топиши ва сиёсий, ижтимоий – иқтисодий тарихи.
5. Ўзбек хонликлари орасидаги ўзаро низолар ва уларнинг оқибатлари.

Темурийлар давлатининг тарқоқлиги кучайган бир пайитда Шимолда – Дашти Қипчоқда кўчманчи ўзбеклар давлати ташкил топди. Қипчоқлар номи билан аталган Дашт(чўл) ғарбда Днепр дарёси ва Қора денгиз, шимоли – шарқда Иртиш дарёси ва Балхаш кўлигача, жанубда эса Хоразм ва Сирдарё қуйи оқимлари оралағида жойлашгандир.

1465 йили охирида кўчманчи ўзбеклар Хоразмни босиб олгандан кейин, бутун XV аср мобайнида Дашти Қипчоқ ўзбеклари Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазиятдан фойдаланиб, аста-секин бостириб кела бошладилар. Таъбир жоиз бўлса, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Абулхайрхон давлати, шахсан унинг ўзи, Дашти Қипчоқнинг бепоён бағрида кўчиб юрган турк-мўғул қабиаларининг XV асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти тарих фанида кам ўрганилган.

Муҳаммад Шайбоний Абулхайрхон вафотидан (1469) кейин мамалакатни бирлаштиришга ҳаракат қилди. Шайбонийхон ҳокимиятининг аста-секин кучайиши бир вақтлар Абулхайрон давлати таркибига кирган қабиаларни ўзига жалб қилган, улар орасида найманлар, уйғурлар, дўрмонлар, манғитлар, минглар, қўнғиротлар, жалойирлар ва ҳоказо уруғ-қабиалар мавжуд эди.

**Хива хонлигида** давлат парокандалиги Арабмуҳаммад даврида юқори чўққига кўтарилди. Айниқса, Шерғозихон даврида бу парокандалик янада кучайиб, емирилаётган давлатнинг ички аҳволи қўшни давлатларнинг аралашуви билан янада мушкуллашди.

Хива хонлигига 1763 йилдан бошлаб, ўзбекларнинг қўнғирот қабиласидан бўлган иноқлар ҳукмонлик қилдилар. Хонлик ерларида халқнинг бу мустамлакачиларига қарши бир неча марта миллий-озодлик ҳаракатлари давом этаверади.

**Бухоро хонлиги** маъмурий жиҳатдан вилоятларга, туманларга бўлинарди, уларда, асосан, хонадоннинг вакиллари, ўзбек зодагонлари бошчилик қилардилар, давлат бошлиғи хон бўлиб, чексиз ҳокимиятга эга эди.

Бухоро амирлиги ҳам 1868 йилда ўз мустақиллигини йўқотиб, Россия васалига айлантирилади.

**Қўқон хонлиги.** Бухоро хонлигида марказий ҳокимиятнинг заифлашиши оқибатида вилоятларда мустақиллика интилиш кучайди.

1709 йили Фарғонада ҳокимиятни минг уруғдан бўлмиш Шохрухбий қўлга олиб, мустақил сиёсат юргиза бошлади.

Ўғли Абдурахимбой 1732 йили Ҳозирги Қўқон шаҳрининг ўрнига пойтахтнинг пойдеворини қўйди. У Самарқанд, Каттақўрғон, Шаҳрисабзни ўз таъсир доирасига киргизди. Шу тарзда Фарғона водийсида мустақил ҳокимият мустаҳкамланиб боради.

Қўқон хонлигидаги ҳокимиятни бошқарув тартиблари Бухоро ва Хива хонликларидан деярли фарқ қилмаган. Бу ерда ҳам хон чекланмаган ҳуқуққа эга бўлиб, хонлик вилоятларга бўлинган, вилоятларни ҳоким ёки беклар бошқарган. Вазир хондан кейинги шахс бўлиб, муҳим масалаларни хон билан ҳал этган.

Шундай қилиб, 1876 йил февралда рус қўшинлари кўзғолонни шафқатсиз бостиргач, Қўқон хонлиги бекор қилинди. Хонлик ерларида Фарғона вилояти тузилди ва Туркистон генерал-губернаторлигига қўшиб юборилди. Қўқон хонлигини йўқотиш аллақачон оқподшо саройида келишиб қўйилган эди. Шу билан ўзбек хонликларида миллий давлатчилик бутунлай барҳам топди.

### **ТАЯНЧ СЎЗЛАР:**

1. Дашти Қипчоқ – Сирдарёнинг қуйи оқими ва Балхаш кўлидан то Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган ҳудуд. XI асрдан бошлаб Дашти Қипчоқ деб аталган. Бу атамани дастлаб Носири Хусрав қўллаган.

Дашти Қипчоқ икки қисмга бўлинган : Шарқий ва Ғарбий қисмга.

2. Кўчманчи ўзбек қабилалари: найманлар, дўрмонлар, манғитлар, кўнғирот, минглар, жалойирлар ва кўплаб қабилалар Мовароуннахрга Шайбонийхон ва унинг бобоси Абулхайрихон даврида кириб келди.

3. Элбарсхон - Хива хонлигига асос солган (1512).

4. Бийлар – мустақил бўлган қабила бошлиқлари беклар.

5. Муҳаммад Ҳақимбий – манғитлар сулосасига асос солади.

6. Танҳо - ХУ1-ХУ111 асрларда бу атама ҳарбийлар ва қуйи табақадаги хизматчиларга ажратилган ерлардан тушадиган рента – солиқнинг ҳадя этилганини англатган.

7. Абдулкаримбой – 1734-1751 йилларда Қўқон хони бўлиб, унинг даврида 1740 йилда Қўқон пойтахт сифатида шаклланишда катта ишлар қилинади.

8. Олимхон – 1798-1810 йилларда Қўқонда хонлик қилиб, бу даврда хонликнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини анча оширади. Айниқса, Тошкентни қўшиб олгандан кейин.

9. Маъмурий бошқарувдаги лавозимлар:

а) оталиқлар- тарбиячилар;

б) девонлар – молия ва ҳарбий ишлар девони ва ҳоказо бўлган;

в) иноқлар – хоннинг маслаҳатчилари.

### **8– МАВЗУ: Шўролар даврида 1924-25 йилларда ўтказилган “Миллий давлат чегаралари” сиёсати, унинг моҳияти ва оқибатлари**

#### **РЕЖА:**

1. Туркистонда «Миллий давлат чегаралаш» сиёсатини ўтказиш шарт-шароитлари.

2. Ленинча миллий сиёсатнинг улуғ давлатчилик ғояси ва унинг моҳияти.

3. Туркистон халқлари бирлигининг бузилиши.

1917 йил большевиклар Россияда ҳокимиятни эгалладилар. Туркистонда ҳам шўролар ҳокимияти ўрнатилди.

Ўрта Осиё бюроси бу тезисларни миллий хато деб эълон қилди. 10 мартдаги бирлашган кенгашда маҳаллий миллат вакиллари Ўрта Осиё Федерацияси тузишни, Туркистоннинг яхлитлигини бузиш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидладилар. Хоразм республикаси ҳам алоҳида фикр билдириб, Хоразмни чегараларига қўшмаслик масаласини қўйдилар.

Ўрта Осиёда Туркистон ўлкаси ва икки мустақил давлат ўрнида янгидан тузилган республикалар яна илгаридек марказга арзон хом ашё етказиб беришга ихтисослаштирилди.

1990 йилларга келиб “Қизил империя” ҳалок бўлди.

### **ТАЯНЧ СЎЗЛАР:**

1. Туркистон мухторияти – 1917 йил ноябрда Қўқонда ташкил топган маҳаллий халқ вакиллари ҳокимияти.

2. Т.АССР – 1917 йил 20 апрелда тузилган бўлиб, аслида чоризм мустамлакачилик сиёсатининг давоми эди.

3. Ф.Хўжаев – Ўзбекистон ХКС раиси.

### **9 – МАВЗУ: Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши - давлатчилигимиз тарихида янги муҳим тарихий босқич (1991-1999).**

#### **РЕЖА:**

1. Ўзбекистоннинг мустақиллик Декларацияси эълон қилиниши.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг рамзлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши.

4. Ўзбекистон Республикаси сиёсий тузумининг ҳуқуқий асослари .

5. Миллий давлатчилигимизнинг тикланиши.

Мустақил суверен давлатнинг тузилиши – ҳар бир халқ сингари ўзбек халқининг асрий орзуси бўлиб, умидларини, муқаддас мақсадларини рўёбга чиқарди.

1991 йил 7 декабрда СССР тугатилганлиги расман эълон қилинди. Аммо ҳали бундан олдин Ўзбекистонда ҳақиқий мустақиллик учун ҳаракат бошланган эди. Жумладан, 1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинди. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Олий Кенгаши Ислоҳ Каримовни Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб сайлади.

1991 йилнинг август ойигача Ўзбекистонда маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни жорий этиш чора-тадбирлари амалга оширилди - ҳокимлик лавозимлари, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани бошқариш органлари, солиқ инспекциялари ва бошқалар таъсис этилди. Республика сиёсий тузуми такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрь ва 1992 йил 3 июлда бўлиб ўтган сессияларида Республика Давлат байроғи, Республика Давлат герби ва 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинди. Шу йил 10 декабрда Республика Давлат мадҳияси тасдиқланди.

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган. Республика Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти иш олиб бориши мумкин.

Қонун чиқаруви ҳокимият Олий Мажлис томонидан, Ижроия ҳокимияти Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан, суд ҳокимияти – республикада мавжуд бўлган суд тизими орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, давлат бошқарувида янги тизим шакллана бошлади. Президентлик бошқарув усули – бу ишнинг ўзагидир. Ўзбекистонда Президентлик лавозими 1990 йил 24 мартда таъсис этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Ислоҳ Каримовнинг 1990 йил 24 мартда Олий Кенгаш томонидан Президент этиб сайланганлигини айтган эдик. У 1991 йил 29 декабрда биринчи бор альтернатив асосда ўтказилган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. 1995 йил 26 мартда умумхалқ овози билан И.А.Каримовнинг Президентлик ваколати 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилди.

Конституцияга биноан судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу Конституция миллий давлат қурилишининг уч минг йиллик бой тажрибасининг меваси сифатида пайдо бўлиб, давлатчилигимизни такомиллаштиришда ва ривожлантиришда муҳим, янги бешинчи босқични бошлаб берди. Шунинг учун ҳозир 3000 йиллик давлатчилигимизнинг ҳақиқий тарихи мавжуд. Аслида мустақиллик даври 1991 йилдан бошланди, деб айтсак, бу тарихий ҳақиқат бўлади. Бу сана - 1991 йил 31 август ўзбек давлатчилиқ тарихида шонли саҳифа бўлиб очилди. Шу санадан бошлаб Ватанимизда мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш даври бошланди.